



Қўшилган қийматни тақсимлашнинг самарали солиқ механизмига ОИД ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Уразматов Жонибек Мусурманович

Гулистон давлат университети

ORCID: 0009-0005-9468-5761

jonibei1186@gmail.com

Аннотация. Иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёни, фискал сиёсат ва солиқ тўловчилар солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашуви, солиқ тизими модернизациясининг самарали воситаларини давлат томонидан қўллаш кўп жиҳатдан қўшилган қийматни тақсимлаш самарали солиқ механизми ташкил этилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг алоҳида бир йўналиши сифатида қўшилган қийматни тақсимлаш самарали солиқ механизмини ташкил этиш йўналишларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада қўшилган қийматни солиққа тортиш масалалари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, бюджет, давлат бюджети, маҳаллий бюджет, бюджет тизими, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, солиқ, солиқ тизими, қўшилган қиймат солиғи, фискал сиёсат, макроиқтисодий барқарорлик.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПО ЭФФЕКТИВНОМУ НАЛОГОВОМУ МЕХАНИЗМУ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ДОБАВЛЕННОЙ СТОИМОСТИ

Уразматов Джанибек Мусурманович

Гулистанский государственный университет

Аннотация. Процесс либерализации экономики, обострение проблем фискальной политики и повышение налогового потенциала налогоплательщиков, применение государством эффективных средств модернизации налоговой системы во многом, распределение добавленной стоимости также напрямую зависит от организации эффективного налогового механизма. Важно изучить направления организации эффективного налогового механизма распределения добавленной стоимости как отдельного направления реформы налоговой системы, которое сегодня вызывает много дискуссий. Исходя из этого, в данной статье рассматриваются вопросы налогообложения добавленной стоимости.

Ключевые слова: национальная экономика, бюджет, государственный бюджет, местный бюджет, бюджетная система, доходы бюджета, расходы бюджета, налог, налоговая система, налог на добавленную стоимость, налогово-бюджетная политика, макроэкономическая стабильность.

FOREIGN EXPERIENCE ON AN EFFECTIVE TAX MECHANISM FOR THE DISTRIBUTION OF ADDED VALUE

Urazmatov Janibek Musurmanovich
Gulistan State University

Annotation. *The process of economic liberalization, the aggravation of fiscal policy problems and the increase in the tax potential of taxpayers, the use by the state of effective means of modernizing the tax system in many ways, the distribution of added value also directly depends on the organization of an effective tax mechanism. It is important to study the directions of organizing an effective tax mechanism for the distribution of added value as a separate direction of the reform of the tax system, which today causes a lot of discussion. Based on this, this article discusses the issues of value added taxation.*

Keywords: *national economy, budget, state budget, local budget, budget system, budget revenues, budget expenditures, tax, tax system, value added tax, fiscal policy, macroeconomic stability.*

Кириш.

Корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши учун хўжалик механизмининг барча элементлари мукамал ишлаши зарур. Айнан шу йўналишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибига алоҳида эътибор қаратиш керак. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тизимини такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳимдир.

Қўшилган қиймат солиғининг республикамиз солиқ амалиётига жорий этилиши давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг барқарор манбасини яратди. Кўплаб ривожланган мамлакатлардаги каби республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳам қўшилган қиймат солиғи энг асосий молиявий ресурс ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мазкур солиқ механизмидаги мавжуд муаммолар солиқ тизими ва давлат бюджети даромадларини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда қўшилган қийматни тақсимлашнинг солиқ механизмини самарали шакллантириш масалаларининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари махсус, мустақил тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Адабиётлар шарҳи.

Янгидан яратилган қийматнинг назарий асослари А.Смит, Д.Рикардо ишларида, қўшилган қиймат концепцияси ва ишлаб чиқариш омиллари концепцияси эса Ж. Сэй, Дж. Кларк асарларида яратилган.

А.Маршалл тадқиқотлари асосида яратилган иқтисодий қўшилган қийматнинг замонавий назарияси ҳозирги кунда жаҳоннинг етакчи компаниялари томонидан қийматни яратиш жараёнида самарали қўлланилиб келмоқда.

Хорижий тажрибалар асосида ҚҚС маъмуриятчилиги самарали тадбирларининг методологик жиҳатларини ўрганишга Алиев (2013), Брюммерхофф (2001), Вотчаев (2010), Голик (2007), Князев (1997) ларнинг изланишлари бағишланган.

Мамлакатимиз миллий солиқ тизими ва солиққа тортиш амалиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим ва амалиётчи мутахассисларимиздан Гадоев (1996), Гатаулин (1996), Завалишина (2005), Маликов (2012), Олимжонов (1999) ларни мисол келтириш мумкин. Ўз моҳиятига кўра, ҚҚС истеъмол солиғи ҳисобланганлиги сабабли унинг идеал базаси, яъни жами якуний истеъмол

харажатлари бизнес цикллари давомида бир мунча барқарор бўлиб, ҚҚС базасининг ҳам барқарорлигини назарда тутди (Тошматов, 2008). Аммо, амалиётда ҚҚС даромадлари баъзан ЯИМ ёки якуний истеъмолга нисбатан анча таъсирчан ҳисобланади (Sancak, Velloso, and other, 2010). ҚҚСнинг ташқи шокларга нисбатан нобарқарорлик сабабларини аниқлашда унинг самарадорлик даражаси ва уни белгиловчи омилларни тадқиқ этиш муҳим масаладир.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасида қўшилган қийматни тақсимлашнинг самарали солиқ механизмини шакллантириш йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фундаментал асарлари, давлат томонидан бюджетнинг солиқли даромадларини прогнозлаш, давлат солиқ сиёсати, далаат солиқ менежментига доир иқтисодий назария ва ижтимоий-иқтисодий системология асослари ҳизмат қилади.

Илмий изланиш жараёнида тадқиқот олиб боришнинг гуруҳлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув, иқтисодий-математик моделлар, корреляцион, регрессион, эксперт ва таққослама таҳлили, башоратлаш, маълумотларни статистик ишланмаси, гуруҳлаш методлари ва бошқа замонавий усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб туриш ва инқирозлар олдини олиш юзасидан солиқ сиёсатини самарали юритишда солиқ механизмининг дастаклари (имтиёз ва преференциялар, махсус режим, чегирма ва қайта ҳисоблашлар, инвестицион солиқ кредити ва ҳ.к.)дан кенг фойдаланилади.

Авваломбор, ривожланган давлатлар солиқ амалиётида ҳозирда бўлган солиқ турлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларда бизнинг солиқ амалиётимиздан фарқ қилувчи, айрим ноанъанавий солиққа тортиш объектлари ҳам учрайдики, улар билан умумий тарзда танишиб чиқиш, тадқиқимиз учун зарурдир. Айниқса, акцизоти товарларни солиққа тортишнинг самарали тадбирлари ва уларнинг афзалликларини жаҳон солиқ амалиёти тажрибалари тасдиқламоқда.

Маълумки, жаҳон мамлакатлари давлат бошқаруви тизимида солиқ органлари тузилмаси фаолиятининг уч тури учраши мумкин: битта ёки бир нечта вазирликлар доирасидаги хизмат ёки агентлик; ягона ярим мустақил орган; бошқарув (кузатув) кенгашига ҳисобот берувчи ягона ярим мустақил орган.

Мазкур туркумлашга кўра, жаҳон мамлакатлари солиқ органлари мустақил фаолият юритишлари, яъни алоҳида вазирлик, қўмита ёки давлат хизмати органи сифатида ажратилган бўлиши, у ёки бу вазирликлар таркибидаги хизмат ёки агентлик сифатида мавжуд бўлишлари ва ниҳоят, давлатга, қонун чиқарувчи ва бошқа ваколатли таркибга ҳисобот берувчи мустақил орган бўлишлари мумкин.

Жаҳон мамлакатлари солиқ органларининг ташкилий таркиби ва бўйсунуви тамойилларига кўра 180 та мамлакат бўйича фарқланишининг ўрганилиши уларнинг тўртта мезон бўйича гуруҳларга бўлинишини ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг аралаш моделга хошлигини кўрсатди.

Умуман, акцизоти товарларни солиққа тортишнинг самарали тадбирларига хизмат қилувчи давлат солиқ хизматининг институционал асосларини такомиллаштиришга оид хориж тажрибаларини мамлакатимиз солиқ амалиётида қўллаш имкониятларини баҳолашда айрим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.



1-расм. Хорижий мамлакатлар солиқ амалиётида корпоратив солиқларни режалаштириш моделлари хусусиятлари

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Мазкур умумий хулосалардан келиб чиқиб, акцизоти товарларни солиққа тортишнинг самарали тадбирларига хизмат қилувчи давлат солиқ хизматининг институционал асосларини такомиллаштиришга оид хориж тажрибаларини қўллашга оид қўйидаги таклифларни мақбул ҳисоблаймиз:

- солиқ органларининг институционал структурасини ҳар бир ҳудуднинг иқтисодиёти тузилишига, солиқли даромадларининг мамлакат бюджет даромадларидаги ўрнига мослаштириб бориш зарур;

- солиқ органларига ходимлар томонидан солиқ тўловчилар ҳақидаги тўпланган ҳар қандай маълумот (ахборот)дан қўшимча тушумлар манбаларини аниқлаш, шу орқали солиқ солиш объекти кўламини ва базасини кенгайтириш мақсадлари учун фойдаланиш ваколатини бериш лозим;

- солиқ органлари, шу жумладан солиқ органлари ходимларининг иш фаолияти самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда рейтинг баҳолаш тизимини йўлга қўйиш керак;

- солиқ органлари иш фаолияти самарадорлиги натижаларини қўйидаги йўналишлар бўйича баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш лозим: а) солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати; б) қўшимча солиқ манбаларини аниқлаш ва уларни солиққа тортиш; в) солиқ профилактикасини ташкил этиш ва уни ўтказиш;

- солиқ органлари фаолияти, уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ҳисоботларни Халқаро валюта фонди, Иқтисодий ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик ташкилоти томонидан аниқланадиган услубиётлар асосида юритишни йўлга қўйиш лозим.

Ҳозирги замон жаҳон солиқ амалиётида юзага чиқаётган муҳим жиҳатлардан бири – ҚҚС маъмуриятчилигининг самарали тадбирлари таркибида солиқ тўловчилар

томонидан ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда ижро этишни рағбатлантиришга оид янги ҳамкорлик жиҳатлари, жумладан, солиқ тўловчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш тизимларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларга маслаҳатлар бериш ва улар билими, саводхонлигини ошириш учун Call-марказлар фаолиятидан фойдаланиш, ҳисобот буклетлари, декларациялар намуналарини бепул тарқатиш ва х.к. муҳим ўрин тутмоқда.

Солиқ маданиятининг юқори бўлиши ривожланган давлатлар тажрибасида, жумладан, Япония, Жанубий Корея ва Германия каби давлатларда “Public relations”, яъни жамоатчилик муносабатларини кенг шаклланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Масалан, Японияда ҳудудий давлат солиқ идораларида телефон орқали 600 дан ортиқ солиқ маслаҳатчилари хизмат кўрсатади, солиқ хизмати ходимлари билан юзма-юз ҳолда, ёзма равишда ёки веб сайтлар орқали мурожаат қилган шахсларга ҳам алоҳида хизматлар кўрсатилади.

1-жадвал

Алоҳида олинган хорижий мамлакатлар солиқ амалиётида давлатнинг ҚҚСга оид самарали тадбирлари

Мамлакатлар	Тадбирнинг фарқловчи хусусияти
Венгрия, Дания, Норвегия, Швеция	Асосий эътибор узлуксиз занжирнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. ҚҚС барқарор юқори ставкада олинади, тартибга солишнинг мураккаб, лекин мустақкам таркибига эга, солиқ ставкалари ва имтиёзлар кўлами ҳудудий миқёсда фарқланиши мумкин.
Европа Иттифоқи давлатлари	Асосий урғу билвосита солиқларга, хусусан ҚҚСга берилади. Мазкур солиқ бюджетга доимий ва салмоқли тушумларни таъминлайди, ислоҳ қилишда ўта қатъий ва мустақкамдир. Европа Иттифоқи ички ҳудудида ҚҚСга нисбатан ягона ҳуқуқий механизм амал қилади, бироқ солиқнинг ставкалари ва имтиёзлари аъзо-мамлакатлар ўртасида фарқ қилади.
Япония	Давлат тушумларнинг асосий қисмини бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳисобига, янада аниқроқ тарзда меҳнаткашларнинг ижтимоий суғурта ва таъминотига ажратмалар орқали таъминлайди. Мазкур ажратмалар ҳам тўғри ва эгри солиқлар белгиларига эгадир – ёлланма ишчилар томонидан иш ҳақидан тўланади ва ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот ва хизматлар қийматига қўшилади.
Ирландия	ҚҚС ставкасининг пастлиги ҳам четдан капиталнинг оқиб келишини ҳам ички ишлаб чиқариш ўсишининг юқори суръатларини таъминлайди. Солиқ маслаҳатчилиги ривожланган тизими ва итизомли солиқ тўловчиларга солиқ маъмуриятчилигининг махсус хизмат режими қўлланилади.
Буюк Британия, Франция	Алоҳида ҳудудлар, ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш учун ҚҚСда рағбатлар тизимининг мавжудлиги: капитал қўйилмалар учун бюджетдан бир марталик тўловлар мавжудлиги, ишлаб чиқариш иншоотлари қуриш учун давлат субсидияларининг ажратилиши, солиқ имтиёзлари ва преференциялари кенг кўламининг амал қилиши. Солиқ маданиятининг юқори даражаси шаклланганлиги боис солиқ тўлашнинг ихтиёрийлиги тамойили кўпроқ ҳаёт тарзига айланганлиги боис интизомли солиқ тўловчиларга солиқ органлари томонидан кўпроқ маслаҳат бериш тарзидаги хизматлар амалга оширилади.
Германия	Келгуси тараққиёт учун юксак имкониятларга эга бўлиши кутилаётган иқтисодий қолоқ ҳудудларга маблағ ажратаётган компанияларга йирик солиқ имтиёзлари тизимининг қўлланилиши. Солиқлар бўйича тўлов интизомига риоя қилинишини назорат қилиш тадбирларининг қатъийлиги, солиқларни тўлашдан бўйин товлашга жиноий жавобгарликнинг мавжудлиги.

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, мустақил фаолият кўрсатувчи 70 мингга яқин малака сертификатига эга бўлган шахслар томонидан солиқ маслаҳати хизмати кўрсатилади. Бу эса ўз навбатида 1,8 мингдан ортиқ кишига 1 та малака сертификатига эга бўлган мустақил фаолият юритувчи шахс тўғри келишини ифода этади ва солиқ маслаҳати хизматини юқори даражада шаклландиридан далолат беради.

Жанубий Кореяда эса Миллий солиқ хизмати таркибида солиқ тўловчилар билан ишлаш бўйича алоҳида Мижознинг талабини қондириш (солиқ тўловчилар муносабатлари бўйича ишлаш) маркази ташкил этилган. Миллий солиқ хизматининг ушбу марказида солиқ тизимида камида 10 йил тажрибага эга бўлган ходимлар ишлаши белгилаб қўйилган.

Умуман, алоҳида олинган хорижий мамлакатлар солиқ амалиётида давлатнинг бевосита ва билвосита солиқларга оид самарали тадбирларини ўрганиш ҳозирда муҳим аҳамият касб этади (1-жадвал).

Кўпчилик давлатлар (Франция, Германия, Швейцария) ҚҚС маъмуриятчилиги амалиётида миллий солиқ қонунчилигида *“солиқ тўловчиларнинг солиқ текширувлари жараёнида тегишли тушунтириш ва асосларни текширувчиларга етказиб беришларининг мажбурийлиги”* белгилаб қўйилган ва ушбу талабнинг бузилиши қонуний тарзда жавобгарлик учун асос бўлади.

Товар(иш,хизмат)ларни ҚҚСга тортишнинг самарали тадбирларида қатор хорижий мамлакатлар (Швейцария, Франция, Канада) солиқ амалиётида унумли тарзда қўлланилиб келаётган муҳим тажриба – *“солиқ тўловчилар солиқ тарихига оид маълумотларнинг шаффофлиги ва улардан фойдаланувчи давлат органлари учун махсус рухсатномасиз тизимли тарзда фойдалана олиш имкониятининг яратилганлиги”* дир.

Мазкур тажрибани мамлакатимиз солиқ амалиётга қўллаш Ўзбекистон Республикаси ДСҚ ва давлат солиқ органлари таркибида солиқ тўловчиларга оид маълумотларни тўплаш, зарур маълумот базасини тўлиқ шакллантириш ва уларни таҳлил қилиб бориш билан шуғулланувчи махсус бўлим ва таркибларлар фаолиятини йўлга қўйиш зарурияти юзага келади.

2-жадвал

Қўшилган қиймат солиғи тўлаётган давлатлар ва солиқ ставкалари

Давлат номи	ҚҚС, %	Давлат номи	ҚҚС, %
Венгрия	27	Хитой	16
Дания, Норвегия, Швеция	25	Туркменистон, Ўзбекистон	15 (12)
Греция	24	Қозоғистон,	12
Исландия	24,5	Қирғизистон	12
Уругвай, Португалия	23	Жанубий Корея, Индонезия, Ливан	10
Италия	22	Швейцария	8
Голландия, Бельгия	21	Таиланд	7
Буюк Британия, Франция, Австрия, Россия, Белорусия	20	Доминикан Республикаси	6
Германия	19	Сингапур, Саудия Арабистони	5
Латвия, Исроил, Тожикистон	18	Ҳиндистон	4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси малака ошириш маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Ушбу зарурият туфайли ҚҚС маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишда қатор хорижий мамлакатлар (Канада, Норвегия, Мексика, Австралия, Франция) *“солиқ амалиётида солиқ хизмати органларида лавозимлар регламентини қайта кўриб чиқиш”*ни ва ҳар қайси бўлим маъсулияти ва ваколатларини ифодаловчи хизмат Низомларини қонуний тарзда янгидан тасдиқланишини шарт қилиб қўйди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган давлатларда қўшилган қиймат солиғи ставкаси кам

миқдорда белгиланганлиги гувоҳи бўламиз. Қозоғистон ва Қирғизистонда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоиз, Жанубий Корея, Индонезия ва Ливанда 10 фоиз, Швейцарияда 8 фоиз, Таиландда 7 фоиз ставкада солиқ амалиётини кўриш мумкин. Ушбу давлатларнинг иқтисодиёти бугунги кунда ривожланган давлатлар қаторидан жой олганлигини ва тадбиркорларнинг солиқ муносабатларида ижобий иштирок этиши бюджетнинг ортиб боришига хизмат қилади(2-жадвал).

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар тармоғи кенгайиб бораётган бир вақтда ушбу корхоналарга 15 фоизлик солиқ ставкасини 10 фоизга тушириб белгилаш ҳам тадбиркорларни янада қўллаб қувватлашга асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида қанчадан қанча ҳали ҳам яширин иқтисодиёт орқали тадбиркорлиги амалга ошириб, охир оқибатида қонун олдида жавоб беришга тўғри келаётганларнинг олди олиниб, ёш тадбиркор-ларнинг ривожланиши ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларини дунё миқёсида рақобатдошлиги таъминлашга хизмат қилади.

Умуман, жаҳон солиқ амалиёти бой ижобий тажрибаларини инобатга олган ҳолда товар(иш,хизмат)ларни ҚҚСга тортишнинг самарали тадбирларига оид *солиқ маъмуриятчилиги самарали воситаларини жорий этишда “солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг ҳамкорликда ўсиш”* уни таъминлашга қаратилган талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган ишончли ҳамкорликни ташкил этиш мақсадида *солиқ органлари хизмат кўрсатиш очиқлиги жараёнларининг шаффофлигини ошириш лозим*. Бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар таркибида қуйидагилар ҳам инобатга олиниши даркор:

- солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича жараёнларни методологик таъминлаш;
- барча каналлар ва ресурслар бўйича солиқ тўловчиларга интерактив ва ахборот хизматларини кўрсатиш жараёнларини яхшилаш;
- солиқ тўловчининг талаби ва кутиши тўрисидаги ахборотлар таҳлили асосида, сервис хизматларининг самарали ва сифатини назорат қилувчи мониторинг тизимини жорий этиш;
- солиқ тўловчиларга қонунчиликда жорий қилинган ва режалаштирилаётган ўзгартиришлар, мерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қарорлари, шарҳ ва тушунтиришлар юзасидан доимий ва фаол ахборотлар бериб бориш;
- доимий асосда тадбиркорлик ва фуқаролик жамиятлари, экспертлар билан ҳамкорликда солиқ қонунчилигидаги актуал масалаларни муҳокама қилиб бориш;
- солиқ органлари фаолиятининг молиявий малумотларининг очиқлиги ва фойдаланишга рухсат этилиши шаффофлигини ошириш;
- давлат-хусусий ҳамкорлик ҳуқуқи асосида хусусий бизнес билан ҳамкорликда солиқ хизматларини ривожлантириш;
- солиқ инспекторларининг солиқлар тушумини йиғиш бўйича янада самаралироқ ишлашига эришиш;
- солиқлар ва солиқ тўловчилар бўйича аниқ ахборот олиш;
- мавжуд ахборотни ҳимоялаш.

Товар(иш,хизмат)ларни ҚҚСга тортишнинг самарали тадбирларида *оид солиқ маъмуриятчилигининг стратегик мақсади* - солиқ маъмуриятчилиги усуллари воситасида давлат солиқ сиёсатини рўёбга чиқариш; солиқ тўловчиларнинг ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ адо этишларини назорат қилиш, давлат бюджетига тушумлар барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Бунинг учун қуйидагиларга риоя этиш зарур: солиқ тўловларининг ўз вақтида ва бир хилдаги тушумини таъминлаш, маъмурий тартиб-таомилларни максимал даражада камайтириш ва соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва

иқтисодиётда хуфёна айланмаларни қисқартириш ҳисобига бюджетларнинг даромад қисмини барқарор шаклантириш.

Маълумки, товар(иш,хизмат)ларни ҚҚСга тортишнинг самарали тадбирларига оид солиқ маъмуриятчилигининг самарали восита ва дастакларини ҳаётга татбиқ этиш ҳозирги кунда унинг *мавжуд усуллари тизими* (бошқариш, хабардор қилиш, тарбиялаш, маслаҳат бериш, рағбатлантириш, имтиёз бериш, назорат қилиш, ундаш (мажбурлаш), жазолаш)ни такомиллаштиришни талаб этади ва бунинг учун қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши зарур:

- солиққа тортиш ишларини юритишда солиқ тизимининг энг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат солиқ қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш солиқларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланишини назорат қилиш;

- солиқларни давлат бюджетига тўланишини назорат қилиш;

- солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш.

Жаҳон солиқ амалиётида ҳам ҚҚСнинг моҳияти доимо билвосита солиқлар доирасида ўрганиб чиқилган. Шу боис ҚҚСнинг иқтисодий моҳияти давлат билан юридик шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади.

Хулоса ва таклифлар.

Қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш йўллари таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги таклиф ва тавсияларни таъкидлаш жоиз ҳисобланади:

Биринчидан, бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган давлатларда қўшилган қиймат солиғи ставкаси кам миқдорда белгиланганлиги ушбу давлатларнинг бюджет даромадлари ва тадбиркорларнинг ошиб боришига хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар тармоғи кенгайиб бораётган бир вақтда ушбу корхоналарга 15 фоизлик қўшилган қиймат солиғи ставкасини 10 фоизга тушириш таклиф этилади;

Иккинчидан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат солиқ инспекциялари масъул ходимлари томонидан ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня (молиявий жазо) қўлланилиши бекор қилиш тавсия этилади;

Учинчидан, корхоналарнинг айланма маблағлари ортиб бориши билан даромадларнинг ҳам ортиб боришига хизмат қилиши мақсадида айланма маблағларига чегаравий миқдор 500 млрд.сўм қилиб белигилаш ва айланма маблағлари 500 млрд.сўмдан ошган қисмига солиқ ставкасининг имтиёзли шаклини жорий қилишни таклиф этилади;

Юқоридаги таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қўшилган қиймат солиғини такомиллаштиришда хорижий давлатларнинг солиқ амалиёти тажрибасидан фойдаланган ҳолда, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня (молиявий жазо) қўлланилмаслиги, қўшилган қиймат солиғи тўловчи корхоналарга айланма маблағларининг чегаравий миқдордан ошган қисмига солиқ ставкасининг имтиёзли шаклини қўллаш каби таклифларнинг амалга оширилиши натижасида, тадбиркорларни янада қўллаб қувватлаш, инсофли ва ҳалол тадбиркорларнинг кўпайиши, қўшилган қиймат солиғи ундирилиши билан боғлиқ солиқдан қочиш йўллари камайиши ва бюджет даромадларини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

Sancak, C., R. Velloso, and J. Xing. (2010) Tax Revenue Response to the Business Cycle,» IMF

Working Paper 10/71 (Washington: International Monetary Fund). - pp. 12-27.

Абдувоҳидов А.А. у др. (2022) ХУДУДЛАРДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // *barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali*. - Т. 2. - №. 5. - С. 46-52.

Алиев Б. Х. (2013) *Налоговые системы зарубежных стран* / Б.Х. Алиев, Х.М. Мусаева. - М.: Юнити-Дана, - 216 с.

Брюммерхофф, Д. (2001) *Теория государственных финансов* / Д. Брюммерхофф. - Владикавказ: Пионер-Пресс, - 480 с.

Ваҳобов А., Маликов Т. (2012) *Молия*. - Т.: «НОШИР», - 712 б.

Вотчаев А.А., Барулин С.В., Ермакова Е.А., Степаненко А.А. (2010) - Саратов: СГСЭУ, - 170 с.

Гадоев Э. ва бошқ. (1996) *Солиққа оид хатолар*. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, -128 б.

Гатаулин Ш. (1996) *Солиқлар ва солиққа тортиш*. - Т.: ДСҚ, - 241 б.

Голик Е.Н. (2007) *Косвенные налоги в условиях институциональных преобразований налоговой системы Российской Федерации: Монография* / Ростовский государственный экономический университет «РИНХ». - Ростов-на-Дону, - 242 с.

Завалишина И. (2005) *Солиқлар: назария ва амалиёт*. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", - 544 б.

Князев, В.Г. (1997) *Налоговые системы зарубежных стран: учеб. пособие* / В.Г. Князев, Д.Г. Черник. - М.: Закон и право, Юнити, - 81с.

Маликов Т., Олимжонов О. (1999) *Молиявий менежмент*. - Т.: Академия, - 254 б.

Нурмухаммидова, М. Х., Абдувоҳидов, А. А., & Мамажонов, С. В. (2021). *ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ. ТА'ЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАНЛИЛИ ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(6), 401-417.

Тошматов Ш. (2008) *Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография*. - Т.: Фан ва технология. - 204 б.